



ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

INNOVATIVE TECHNOLOGIES

Илмий-техник журнал
2011 йилда ташкил этилган

2022/3(47)-сон

Илмий-техник журналга 2010 йил 4 октябрда асос солинган бўлиб, у 2011 йил март ойидан бошлаб чиқарилган.

Муассис:
Қарши мұхандислик-иқтисодиёт институти.

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЬАТИ:

Бош мұхаррир:
БАЗАРОВ О.Ш.

Бош мұхаррир ўринбосари: техника фанлари доктори, профессор
УЗОҚОВ Ф.Н.

Масъул котиб: техника фанлари доктори, профессор
АВЛАКУЛОВ М.

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Абдурахмонов Қ.Х.- и.ф.д., проф., ЎзРФА академиги
Аззамов А.Х. – т.ф.д., проф.
Авлакулов М. - т.ф.д., проф.
Аликулов С.Р.- т.ф.д., проф.
Бакиев М.Р.- т.ф.д., проф.
Зокиров А.О.- т.ф.д.
Зохидов Р.А.-т.ф.д., проф.
ЎзРФА академиги
Игамбердиев Х.З.- т.ф.д.
проф., ЎзРФА академиги
Маматов Ф.М.- т.ф.д., проф.
Махмудов И.Э.- т.ф.д., проф.
Мухаммадиев М.М.-т.ф.д., проф.
Мухиддинов Ж.Н-т.ф.д., проф.
Рахматов М.И.- т.ф.н., доц.
Узоков Ф.Н.- т.ф.д., проф.
Хамидов М.Х.- қ.х.ф.д., проф.
Хазратов А.Н. – т.ф.ф.д., доц.
Шодиев Р.Д.- п.ф.д., проф.

МУНДАРИЖА / CONTENTS

GEOLOGIYA-MINERALOGIYA FANLARI / GEOLOGICAL AND MINERALOGICAL SCIENCES

Нурхонов Х.А., Мислибаев И.Т., Назаров З.С. Обоснование конструкций шпурового заряда для контурного взрывания при проходке горизонтальных подземных выработок	3
Халисматов И.Х., Махмудов Н.Н., Закиров Р.Т., Шомуродов Ш.Э., Салайдинова Ю.Л. Использование геологического подобия для определения газоотдачи терригенных коллекторов	7
Курбанов Э.Ш., Ашурев О.Г., Болтабаев Ж.М., Максудова Г.Б., Туропов Х.М. Анализ и оценка инженерно-геологических условий при освоении месторождения Гуссай Очилов И.С. Чакилкалян төглари геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари.	12
	16

TEXNIKA FANLARI / TECHNICAL SCIENCE

Узоков Ф.Н., Элмурадов Н.С., Ахмедов Н.Н. Сузиш бассейнларининг энергия баланси таҳлили	22
Муратов Х.М., Қаракулов Ш.Ю. Автомобилсозлик саноати корхоналарида реактив күвват компенсаторларини қўллашнинг талаблари ва ечимларини баҳолаш	28
Хошимов Ф.А., Юсупалиева Х.У., Қодиров И.Н. Тўқимачилик саноат корхоналарида электр энергия истеъмолини прогнозлаш усуллари	32
Маллаев А.Р., Ражабалиев Б.А. Бошқариш обьектларининг динамик характеристикаларини узатиш функцияси орқали куриш	39
Маматов Ф.М., Каримов Р.Р. Канониксимон сомон майдалагичнинг ўлчамларини асослаш	44
Эшев С.С., Авлакулов М, Бобомуродов Ф.Ф. Боғланган грунтларнинг физик хусусиятларини ўзан ювилиш жараёнига таъсирини баҳолаш	49
Зохидов О.У., Джураев Р.У., Ҳамзаев А.А., Умаров А.А. Марказдан қочма насосларда ресурс тежамкорлигини ошириш усулларининг таҳлили	54
Кузиев А.У., Шермуҳаммедов А.А. Ҳудуд автомобил йўл тармоғини ривожлантириш методикаси	59
Маматов Ф.М., Батиров З.Л., Тоиров И.Ж. Далаларда пушталар ҳосил қилиш билан бир вактда ўғит солиш машинаси параметрларини асослаш	65

Эргашев И.Т.- т.ф.д., проф.	Жумаев А.С., Джураев А., Абдурахманова М.М.	Тасмали конвейер таркибли йўналтирувчи қайишқоқ элементли роликли механизмларининг динамик таҳлили	70
Эргашев Р.Х.- и.ф.д., проф.	Эшев С.С., Каримов Э., Бобомуродов Ф.Ф., Маматов Н.З.	Боғланган грунтлардаги бириқиши кучининг ўзан ювилишига таъсирини баҳолаш	76
Эргашева Ю.А.- т.ф.д., проф.	Худайев И.Ж., Самандарова Г.А.	Дискрет суюриш технологияси	82
Тахририят:	Джураев Д., Халилов М. С., Абдумуминов Э., Гуломов Л.Х.	Пуркагичлар ишчи суюқлик сарфини номограмма орқали назарий аниқлаш	85
Техник мухаррир:			
Тоғаев И.Й.			
Мусахихлар:			
Рахманова Ю.Қ.,			
Шодманова Н.И.,			
Холиёров Б.Х.			
Нашр учун масъуллар:			
Авлакулов М., Рахматов М.И.			
Таҳлилий гурух:			
Маматов Ф.М.,			
Эргашев Р.Х., Узоқов Ф.Н.			
Ҳакимова М., Уришев Б.,			
Батиров З.Л., Эрматов Н.Х.,			
Манзил:			
180100. Қарши шаҳри.			
Мустақиллик кўчаси, 225			
Телефон: 75 221 09 23			
+998 90 716 51 92			
Сайт: https://intex.uzsci.uz/ru/			
E-mail: mavlakulov@mail.ru			
Итенос» МЧЖ билан 28.05.2020			
йилда 35817-01 сонли лицензион			
шартнома тузилган:			
https://cyberleninka.ru/journal/n/innovation-tehnologiyalar?i1064184			
Журнал Кашқадарё вилояти			
матбуот ва ахборот бошқармаси			
томонидан 2010 йил 4 октябрда			
давлат рўйхатига олинган ва 14-063			
ракамли гувоҳнома берилган.			
Нашр индекси - 4074			
ISSN 2181-4732			
47-сонли нашр.			
Теришга топширилган сана			
22.09. 2022 й.			
Нашрга рұхсат берилган сана			
20.09.2022 й.			
Чоп этилган сана 24.09.2022 й.			
Бичими 60x84 1/8. Times			
гарнитураси. Шартли босма табоги			
7,56 . Нашр босма табоги 7,50.			
Адади 100. Буюртма №18			
ҚарМИИ “INTELLEKT” МИУ			
нашриётида чоп этилди. Қарши			
шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225.			

Жумаев А.С., Джураев А., Абдурахманова М.М. Тасмали конвейер таркибли йўналтирувчи қайишқоқ элементли роликли механизмларининг динамик таҳлили

70

Эшев С.С., Каримов Э., Бобомуродов Ф.Ф., Маматов Н.З. Боғланган грунтлардаги бириқиши кучининг ўзан ювилишига таъсирини баҳолаш

76

Худайев И.Ж., Самандарова Г.А. Дискрет суюриш технологияси

82

Джураев Д., Халилов М. С., Абдумуминов Э., Гуломов Л.Х. Пуркагичлар ишчи суюқлик сарфини номограмма орқали назарий аниқлаш

85

QISHLOQ XO'JALIGI FANLARI / AGRICULTURAL SCIENCES

Диёрова М.Х., Лутфуллаев Ш.Н., Остонақулов Т.Э. Помидор янги мустақиллик-28 навининг ўсиши ва ҳосилдорлигига турли ўғитлар меъёрларининг таъсири

90

Ибрагимов З.А., Сайдалов Ф.М., Хидирова Ш.А. Кузги бугдой етиширишда гербицидлар ва ўғитлар қўллашнинг иқтисодий самарадорликка таъсири

93

Нурбеков А.И., Узаков Ф.О., Авлакулова М.М. Кузги юмшоқ буғдойнинг ўсув даври давомийлигига ҳаво ҳарорати ва озиқлантириш меъёрларининг таъсири

96

Худжаматов С.Х., Насириллаев Б.У. Тут ипак қуртининг линия 500 ва линия 501 селекцион тизимларида куртларнинг ҳаётчанлиги

99

IQTISODIYOT FANLARI / ECONOMIC SCIENCES

Навруз-зода Л.Б. Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг “бизнес мукаммаллиги модели”

105

Хушвақов А.Б. Ўзбекистонда камбағалликни камайтиришда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўрни

108

Мансуров М.А. Ўзбекистон республикаси давлат бюджети ижроси тизимини ислоҳ қилишнинг буғунги кун таҳлили

112

Нормаматов.И.Б. Ўзбекистон банклараро тўлов тизимида тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш йўллари

117

“Инновацион технологиилар” журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан куйидаги фанлар бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган:

04.00.00 - ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ

05.00.00 - ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

06.00.00 - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

08.00.00 - ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Журнал уч ойда бир марта чоп этилади

IQTISODIYOT FANLARI / ECONOMIC SCIENCES

УЎТ: 331.4

Навруз-зода Л.Б.

ТАДБИРКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ “БИЗНЕС МУКАММАЛЛИГИ МОДЕЛИ”

Навруз-зода Л.Б. – мустақил тадқиқотчи (Бухоро давлат университети)

В статье раскрывается содержание понятия “бизнес экселленс” и рекомендуется модель оценки предпринимательской способности на основе осуществления структурной трансформации универсальной модели бизнес экселленса Европейского фонда управления качеством.

Ключевые слова: предпринимательская способность, бизнес экселленс, человеческий капитал, совершенный предприниматель.

The article reveals the content of the concept of “business excellence” and recommends a model for assessing entrepreneurial ability based on the structural transformation of the universal business excellence model of the European Foundation for Quality Management

Key words: entrepreneurial ability, business excellence, human capital, excellence entrepreneur.

Кириш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 2022-2026 йилларда учинчи устувор йўналиши сифатида “тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солик юкини камайтириш, бизнес мухити ва зарур инфоратузилма яратиш асосида миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш” [1], деб белгиланди. Ушбу мухим вазифани амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришнинг янги йўлларини излаш лозим. Чунки, мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришнинг самарали механизми сифатида айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хизмат қилиб келмоқда.

2021 йил якуни бўйича ушбу соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 54,9 фоизни ташкил этди [2]. КБХТ янада ривожлантириш учун уларининг фаолият сифатини юксалтириш билан боғлиқ бўлган, хорижда синалган “тадбиркорликни мукаммал ривожлантириши” каби инновацион механизмни тадқиқ этиш тақозо этади.

Тадқиқот услуби. Тадқиқотда монографик таҳлил усули, гурухлаш усули, қиёсий таҳлил усули, тизимли таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда EFQM “Business Excellence” модели ва “Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг бизнес мукаммаллиги” модели ўртасидаги тафовутлар аниқланган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мақолада “Тадбиркорликни мукаммал ривожлантириш” га бағишлиган Г.К.Канжи [7], Флуви Ласрадо [5], Р.Манн, М.Муҳаммад, М.Т.Агустин [12], Л.Роча-Лона, Л.А.Гарза-Рейес, В.Кумар [8], Маслов Д., Шестаков А., Мидхерст Д. [3] каби олимларнинг илмий ишларидан фойданилди.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Тадбиркорлик қобилиятини ҳам имкониятлар (фазилатлар) ва ҳам натижалар (жузъий ва якуний) ни ўзаро алоқадорликда баҳолашнинг самарали воситаси сифатида Европа Сифат Менежменти Фонди (EFQM)нинг “Business Excellence” (бизнес мукаммаллиги) модели ҳисобланади (1-расм).



I-расм. Европа Сифат Менежменти Фонди (EFQM)нинг Бизнес мукаммаллик (Business excellence) модели [6].

1-расмдан кўриниб турибдики, “EFQM Бизнес мукаммаллик модели” ташкилий тузилиши бўйича тўққиз мезонли иқтисодий баҳолаш модель бўлиб, у тузилиш жиҳатдан иккита тизимости: 1) имкониятлар ва 2) натижалардан таркиб топган ва бир-бири билан чамбарчас боғланган 9 та йирик мезонлардан иборат бўлиб, ҳар бири ўз навбатида бир нечта кичик мезонларга бўлинади.

Қайд қилиш жоизки, EFQM “Business Excellence” моделининг ўзига хос хусусияти хуқуқий шахс мақомида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик корхона ва ташкилотларининг “бизнес мукаммаллиги” ни баҳолашни кўзлади. 1992-2017 йиллар давомида 20 мингдан кўпроқ Европанинг турли компаниялари [4] ушбу моделдан фойдаланиб, турли танловларда қатнашган ҳолда корхона сифати менежменти баҳоланганд, ўз тадбиркорлик фаолияти сифатини ўзини баҳоланганд ва сифатни яхшилаш бўйича стратегияларни ишлаб чиқилган.

Шундай экан, ушбу хуқуқий шахс мақомида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик корхона ва ташкилотларнинг “бизнес мукаммаллик даражасини” баҳолашга мўлжалланган иқтисодий моделни биз жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг тадбиркорлик қобилиятини баҳолашга мослаштириб, унинг янгича – “Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг бизнес мукаммаллиги” (қисқартирилган – ТҚББМ) деб номланиб, муаллифлик моделимизни тузиш саъий-харакатларини қиласиз.

Биз тавсия этилаётган “Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг бизнес мукаммаллиги” модели амалдаги “EFQM Business Excellence” моделида назарда тутилган тўққизта йирик ва кўп кичик мезонли иқтисодий модель шаклига эга бўлиб, унинг ички тузилишида асл моделидан фарқли ўлароқ қуйидаги таркибий ўзгартиришлари киритилди:

Биринчи ўзгартириши, “EFQM Business Excellence” моделининг имкониятлар томонидаги кириш қисмида 1-рақамли “Лидерлик” мезони ўрнига ТҚББМ моделида жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг баҳолаш обьекти бўлмиш “Инсон тадбиркорлик қобилияти” сифат ифодаланувчиси киритилди, у моделнинг кейинги 8 та мезонларини ишлаб чиқишида пойдевор сифатида хизмат қиласиз.

Иккинчи ўзгартириши, “EFQM Business Excellence” моделида компанияларнинг имкониятларини тавсифловчи 2 чи – “Ходимлар”, 3 чи - “Сиёсат ва стратегия” ва 4 чи - “Ресурслар ва ҳамкорлик” баҳолаш мезонлари ўрнига ТҚББМ моделида индивидуал тадбиркорларнинг “Инсон тадбиркорлик қобилияти”нинг мазмун-моҳиятини ифодалайдиган уч гурух фазилатлари – шахсий (2 чи мезон), касбий (3 чи мезон) ва функционал (4 чи мезон) тадбиркорлик фазилатларини танлаб, киритишга қарор қилинди. Бунга сабаб, якка тартибдаги тадбиркорлик ишида муваффақиятга эришиш учун дастлаб биологик

(истеъмолчи) инсон меҳнат лаёқатини ривожлантирган ҳолда иқтисодий (меҳнат қилиш эвазига иш ҳақи олиб яшайдиган) инсонга айланиб, сўнгра тадбиркорлик ва ишбилармонлик фазилартларини орттириб, тадбиркор инсонга айланади.

Учинчи ўзгартириши, “EFQM Business Excellence” моделида мавҳум тарзда ифодаланган 5 чи - “Жараёнлар” мезонини биз муаллифлик моделимизда аниқлаштирган ҳолда “Тадбиркорлик қобилиятини инсон капиталига айланиш жараёни“ тарзида ифодалашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, янгиланган моделда имкониятлар қисмидаги бу мезон трансформацион хусусиятга эга бўлиб, индивидуал инсон капиталини шаклланишида ўзига хос кўпприк ролини ўйнайди.

Тўртинчи ўзгартириши, “EFQM Business Excellence” моделидаги натижаларни тавсифловчи 6 чи – “Ходимларнинг қониққанлиги”, 7 чи - “Мижозларнинг қониққанлиги” ва 8 чи - “Жамият учун натижалар” мезонлари ўрнига биз ТҚББМ моделида “бизнес мукаммаллик” тамойили бўйича инсоннинг иқтисодий жиҳатидан камол топишининг учта – “Индивидуал инсон капитали” (6 чи мезон), “Иқтисодий комил инсон” (7 чи мезон) ва “Мукаммал тадбиркор инсон” (8 чи мезон) каби кишининг иқтисодий мақомларини киритдик. Чунки, тадбиркорлик қобилияти инсон капиталига айланиши сари ўз мукаммалликка эришиб бораверади. Тадбиркорликнинг сифат ўзгаришлари кишининг индивидуал инсон капитали даражасига етиши, унинг меҳнат лаёқатини ривожланиши натижасида иқтисодий жиҳатидан комилликка эришиш ҳамда тадбиркорлик фазилатларини шаклланиши ва ривожланиши билан мукаммал тадбиркор инсон даражасига қарор топади.

Бешинчи ўзгартириши, “EFQM Business Excellence” моделининг 9 чи – “Асосий натижалар” мезони тадбиркорлик фаолияти сифатининг синергик натижасини ифодалайди. Ушбу мезонни ўрнига биз ТҚББМ моделида “Тадбиркорликни мукаммал ривожлантириш” баҳолаш мезонини киритишини маъқул кўрдик. Чунки, тадбиркорлик фаолияти мукаммалликка эришиб бориши сари янги иш ўринлар сони кўпаяди ва натижада, ахолининг даромади ошиб бориб, унинг камбағал қатламларининг сони камайиб бораверади.

Юқорида баён этилган ўзгаришларни моделга киритиш натижасида бизнес корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини сифат жиҳатидан баҳолаш хусусиятига эга бўлган “EFQM Business Excellence” модели тадбиркор шахсларнинг фаолиятини сифат жиҳатидан баҳолашга мўлжалланган “Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг бизнес мукаммаллиги” моделига трансформация қилинди. Инновацион қиёфадаги муаллифлик моделининг тузилиши 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Тадбиркорлик қобилиятини баҳолашнинг бизнес мукаммаллиги (ТҚББМ) модели [Муаллиф ишланмаси]

Хулоса. 30 йилдан бери бизнес дунёсида тадбиркорлик фаолияти сифатини баҳолаш, ўзини ўзи баҳолаш ва такомиллаштириш жараёнида муваффақият билан ишлатиб келинаётган “EFQM Business Excellence” модели мезонларига уйғуллаштирилган ва тадбиркорлик қобилиятини баҳолашга мослаштирилган унинг янгича қиёфасидаги - ТҚБМ модели Янги Ўзбекистонда жисмоний шахс сифатида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг фаолияти сифатини баҳолаш учун қулай имконият ва самарали механизм ҳисобланади. ТҚБМ моделини амалда қўллаш натижасида тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш механизми “бизнес мукаммаллиги” сифат аниқловчиси орқали такомиллаштиришга эришади. “Бизнес мукаммаллиги” эса бизнес субъектларининг сифатини таҳлил қилиш ва кузатиш учун ишлатиладиган асосий сифат аниқловчиси сифатида хизмат қиласди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz
3. Маслов Д., Шестаков А., Мидхерст Д. Полезная модель EFQM: профилактика системы управления \ Электронный ресурс. https://quality.eup.ru/MATERIALY14/model_efqm.htm (дата обращения: 05.01.2022 г.).
4. Маслов А., Мазалецкая А., Стид К. Модель совершенствования EFQM. Высшее образование в России. №9, 2005. С.48.
5. Flevy Lasrado. Achieving Organizational Excellence: A Quality Management Program for Culturally Diverse Organizations. Springer. Dubai. UAE. 2018. 195 p. (3 p.)
6. EFQM, (2013). *EFQM Excellence Model*. Website EFQM, available at: <https://www.efqm.org/>. (муорожсанаси: 05.01.2022 йил).
7. Kanji G. K. Sustainable growth and business excellence. Total Quality Management & Business Excellence, 16 (2007) 1069-1078.
8. Luis Rocha-Lona. Jose Arturo Garza-Reyes. Vikas Kumar. Building Quality Management Systems: Selecting the Right Methods and Tools. CRC Press Taylor & Francis Group. Boca Raton. London. New York. 2013. 201 p.

УЎТ: 331.6: 334.7

Хушвақов А.Б.

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАГАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Хушвақов А.Б. - таянч докторант (Қарши мухандислик-иктисодиёт институти)

В статье раскрыта роль частного предпринимательства и малого бизнеса в сокращении бедности. Проанализирована государственная политика по повышению уровня жизни и по обеспечению стабильных условий жизнедеятельности людей, страдающих от бедности и его социальных последствий. Раскрыта сущность бедности как процесса тесно взаимосвязанного процесса с такими социальными рисками как безработица, малообеспеченность.

Ключевые слова: бедность, уровень жизни, глобальное развитие, частное предпринимательство, малый бизнес, потребительская корзина, прожиточный минимум, точка роста, безработица, малообеспеченность, государственная программа.

The role of private entrepreneurship and small business in poverty reduction is revealed. Analyzed the state policy to improve the standard of living and to ensure stable living conditions for people suffering